



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Бировнинг
вақтини
ўғирлашга
интилиш
энг ёмон
одатдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг
2021-yil 27-fevral, shanba,
24 (23.460)-son



МУАММОЛАР жамоатчилик иштирокида ҳал бўлади

Кеча халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йигирма олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини вилоят ҳоқими, Кенгаш раиси Э.Турдимов олиб борди.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ СЕНИ ОРТГАН

Депутатлар дастлаб вилоят ИИБ бошлиғи Ш.Раҳмоновнинг 2020 йилда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш борасидаги ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглади.

Қайд этилишича, куч ва воситалардан тўғри, унумли фойдаланилгани натижада қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, ўғирлик, талончилик, босқинчилик, безорилик каби жиноятлар камайган. Бироқ соҳалар бўйича қайд этилган умумий жиноятлар 2019 йилга нисбатан 291 тага ёки 5,8 фоизга ошган. Жумладан, ўртача ва энгил тан жароҳати етказиш, фибригарлик жиноятлари кўпайган.

Аксариат ҳолларда оддий фуқаролар, яхши ниёт билан йиллаб сармоа йиққан кишилар фибригарлик жиноятларидан жабрланмоқда. Биргина, хусусий бандлик агентликларидан 800 нафарга яқин жисмоний шахслар турли миқдордаги пулига чув тушган.

Сессияда бу турдаги жиноятларнинг олдини олишда аввало, жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини ошириш зарурлиги қайд этилди.

СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР ЯШИРИЛМАЙДИ

Вилоят ИИБ бошлиғи Ш.Раҳмоновнинг билдиришича, мавжуд маҳаллаларнинг 173 тасида жиноятчилик барқарор. Шу боис, мазкур маҳаллалар "сарик" тоифага киритилган. 254 тасида эса жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ кўрсаткич ошгани учун "қизил" тоифага қоляпти. 673 та маҳалла эса "яшил" тоифага ўтказилган.

Муҳокама қилинган ички ишлар идоралари фаолиятида асосий эътироз тергов фаолияти билан боғлиқ бўлаётгани қайд этилди. Ўз навбатида, Ш.Раҳмонов бу гада бир қадар жон борлигини тан олди. Бу борада вилоят ИИБ тергов бошқармаси мутасаддиларига чора кўрилган.

Депутатлар айни кунларда Самарқанд шаҳрида синтетик гиёҳвандлик моддалари реклама маси кенг тарқалиб бораётгани, бу ҳолат турли оғир оқибатларга олиб келишини билдирди. Ушбу йўналишда ички ишлар идоралари ҳамда тегишли ташкилотлар, кенг жамоатчилик эътибор қаратиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди. Йўللarda тезликни чекловчи қурилмаларни амалдаги тартиб асосида ўрнатиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил қилинадиган бўлди.

ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАСИ БЕПУЛ ЎРНАТИЛАДИ

Сессия ишида "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали директори О.Исоқов вилоятда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Қайд этилишича, 2020 йилнинг май ойидан аҳоли хонадонларига электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Ўтган йили 79 минг 450 та газ ҳисоблагич ўрнатиш режалаштирилган. Бироқ пандемия сабаб, газ ҳисоблагичнинг эҳтиёт қисмларини Италиядан олиб келишда муаммолар бўлган. Шу сабабли вилоятга 16 минг 689 та газ ҳисоблагич ажратилган.

Жорий йилда бу борадаги ишларни жадаллаштириш ҳисобига 1 июлга қадар барча аҳоли хонадонларига тўлиқ замонавий газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилади. Газ ҳисоблагич ҳамда унинг ҳимоя қўтири, регулятор (босим ростлагич)ни ўрнатиш "Hududgazta'minot" АЖ томонидан бепул амалга оширилмоқда. 20 дан ортиқ қурилиш-монтаж фирмалари, 170 дан зиёд бригадалар жалб қилинган мазкур ишнинг белгиланган вақтда якунлаш мақсадида "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали қoшида бутловчи қисмлар тайёрлаб бериш цеҳи фаолият юритмоқда.

"Ақлли" газ ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши сифати филиал томонидан доимий назоратга олинган. Муаммолар юзага келганда камчиликлар тўғрида берилди.

Таъмагирикларнинг олдини олиш мақсадида 66-239-78-12 телефон рақамига, шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали мурожаат қилиш имконияти яратилган.

БОЗОРЛАРДА СОҒЛОМ РАҚОБАТ ЙЎҚ

Депутатлар Монополияга қарши курашиш вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Бекқуловнинг 2021 йилда амалга оширилиши белгиланган устувор вазифалар тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб шундай хулосага келишди.

Қайд қилинганидек, бошқарма томонидан ташқи реклама воситаларининг жойлаштирилиши, қонун талабларига мос бўлиши юзасидан деярли ҳеч бир иш амалга оширилмаган. Депутатлар ваколати бўлишига қарамасдан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар салмоғи кам эканлигига жиддий эътироз билдирди. Хусусан, табиий газ ва электр таъминоти корхоналари ва истеъмолчи ўртасидаги шартномада жисмоний ёки юридик шахслар учун етарли ҳуқуқлар белгиланмаган.

Шунингдек, иқтисодиёт субъектлари ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш борасида ишлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Сессияда тизим фаолиятини жонлантириш борасида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМГАРМАДАН КИМГА, ҚАНЧА АЖРАТИЛЯПТИ?

Сессия якунида вилоят маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Яъни, 2021 йил 1 январь ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағларини қайси мақсадларга ажратиш зарурлиги муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоят ҳоқимлиги ҳузуридаги вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижа чиқиб кетган ва мураккаб молиявий аҳволга тушган фуқароларга моддий ёрдам бериш жамғармасига 100 миллион сўм ўтказиб берилгани бўлди. Шунингдек, Ургут туманидаги ҳарбий хизматчиларни ўй-жиб билан таъминлаш учун 3,7 миллиард сўм, Нарпай тумани Саловат маҳалласидаги 1020 ўринли 17-умумий ўрта таълим мактабини мукамал таъмирлашда вужудга келган қарздорликни қоплаш учун 1,6 миллиард сўм маблағ ажратилиши тасдиқланди.

Вилоят маҳаллий бюджетдан ажратилаётган ҳар бир сўм маблағ бўйича вилоят молия бошқармаси бошлиғи тушунтириш берди.

Депутатлар сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.



Зиёратчиларга қулайликлар яратилади

Аввал хабар қилганимиздек, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 19 февраль куни бўлиб ўтган сессиясида вилоятда туризмин ривожлантириш масаласи ҳам муҳокама қилинган эди.

Унда вилоят ҳоқимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.Нуруллаев ахборот бериб, соҳада бошқа йўналишлар қатори зиёрат туризмининг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Тахлилларга кўра, дунё бўйлаб ҳар йили 148 миллион сайёҳ зиёрат мақсадида сафарга чиқади. 2021 йил давомида пандемия билан боғлиқ вазият қайта мураккаблашмаган тақдирда вилоятга ташриф буюрувчи зиёратчилар сонини 210 мингга етказиш имконияти мавжуд.

Хусусан, Индонезия, Туркия, Покистон, Бангладеш, Малайзия, Ҳиндистон каби давлатлардан Имом Бухорий меросига қизиқувчи 100 мингдан ортиқ, Абу Мансур Мотуридий меросига қизиқувчи 26 мингдан зиёд, Индонезия, Малайзия, Туркия, Татаристон ва Чеченистон каби давлатлардан Хўжа Ахрори Валий ва

Махдуми Аъзам издошлари бўлган 43 минг, Исроил, АҚШ, Франция ва Россиядан Хўжа Дониёр ҳамда яхудиёлар дини меросига қизиқувчи 40 мингдан ортиқ зиёратчини жалб қилиш имконияти бор.

Бу борада Индонезиянинг йирик ASITA, SAPUNI туризм ассоциацияси билан Самарқандга ҳар ҳафтада 2 та авиарейс ташкил этиш бўйича келишув имзоланган. Бу орқали 300 нафардан 500 нафаргача сайёҳларни Самарқандга олиб келиш ва улар учун 2 кунлик зиёрат турларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Айни пайтда "Uzbekistan Airways" билан келишувлар олиб бориляпти.

Б.Нуруллаевнинг қайд этишича, вилоятда туризмни ривожлантириш борасида бир қатор амалий ишлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ҳудудида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 5 миллион долларлик осмадор йўли қурилмоқда. Зиёратгоҳ жойлашган Оксой қишлоғи туризм қишлоғига айлантирилади. Шунингдек, Нуробод туманидаги Телакул қишлоғида 1 миллион доллар асосида бир қўнда 500 нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш имконига эга дам олиш маскани барпо этиляпти.

Худди шундай маскан Ургут туманидаги Қоратепа сув омбори ҳудудида ҳам қурилади. Қўймаги 1 миллион долларлик лойиҳа асосидаги замонавий дам олиш масканда жойлаштириш воситалари, овқатланиш шохобчалари ва спорт майдончалари ҳам бунёд этилади.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий, Ислоҳ Каримов кўчалари туризм кўчасига айлантирилади. Мирзо Улуғбек, Давлатобод ва Озод Шарқ кўчалари кесилган ҳудудда "Pub street" лойиҳаси амалга оширилади.

Умуман, жорий йилда маҳаллий ва хорижий ташаббускорлар томонидан қўймаги 3 триллион 337 миллиард сўмлик 126 та лойиҳа амалга оширилиб, мазкур лойиҳалар натижада 3 минг 74 та янги иш ўринлари яратилади.

Қайд этилишича, 100 та оилавий меҳмон уйлари, 30 дан ортиқ туроператорлик фаолияти, 120 та гид-экскурсия етакчиларини тайёрлаш, 33 та санитар-гигиеник шохобча фаолияти йўлга қўйилади. Бундан ташқари, 5 та туристик синфдаги автобус, 15 та микроавтобус, 6 та электромобил харид қилиниб, 3 та туристик ахборот марказлари, 32 та Wi-Fi ҳудудлар ташкил этилади.

Фозилдин РЎЗИБОВЕВ.

Ўттиз йил фаолият юритиб, аттестациядан ўтмаган ўқитувчилар бор

Бу ҳақда Матбуот уйида вилоят халқ таълим бошқармаси бошлиғи Зебунисо Шодиева иштирокида ўтказилган анжуманда айтилди.



Дастлаб таълим соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш, педагог-ҳодимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, "қизил", "сарик", "яшил" тоифадаги мактабларда амалга оширилаётган ишлар, олий тоифали ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж, мактаблар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида маълумот берилди.

Таъкидланишича, бугун вилоятда 1255 та умумтаълим муассасалари мавжуд. Уларда 56 минг 370 нафар ўқувчи ва 734 минг 398 нафар ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда.

2019-2020 ўқув йили якуни билан ўтказилган тахлилларга кўра, вилоятимиздаги 142 та мактабнинг бирорта битирувчиси олий таълим муассасаларига ўқишга кирмаган, - дейди З.Шодиева. - Туманлар кесимида қарайдиган бўлсак, энг паст кўрсаткич Кўшработ, Паст Дарғом, Ургут, Пайариқ, Нуро-

яти мутахассис эмас. Биз мактаблардаги соғлом муҳитни шакллантириш, педагог ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 24 нафар тренерни СамДУнинг психология факультетига ўқитдик. Улар мактабларга бориб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугун вилоят мактабларида тахсил олаётган 7296 нафар ўқувчининг ота-онаси ажрашган, 9450 нафарининг ота-онаси ёки иккаласидан бири вафот этган, 19 минг 277 ўқувчининг ота-онаси ёки иккаласидан бири чет элга кетган. Шунингдек, 978 нафар ўқувчи нотинч оила фарзанди, 449 нафар ўқувчи ота-онаси ёки василлари томонидан турли тазйиққа учраган, 1146 ўқувчи ичкиликка ружу қўйган оила вакиллари билан бир хонадонда истикомат қиляпти. Бу рақамлар ортда фарзандларимиз келажаги, таълим-тарбияси билан боғлиқ оғриқли муаммолар ётибди.

Матбуот анжуманида вилоят бўйича 476 нафар фан ўқитувчиларига, жумладан, математика, информатика, физика, кимё, биология, рус ва инглиз тиллари билан боғлиқ мутахассисларга эҳтиёж борлиги, Ургут туманида 180 нафар ва Паст Дарғом туманида 131 нафар юқорида қайд этилган фанлардан малакали ўқитувчилар етишмаслиги таъкидланди.

Анжуманда ОАВ вакиллари билан мактаблардаги таълим сифатини ошириш, дарсликлар етишмовчилик, талабга жавоб бермайдиган ошхоналар фаолияти, ўқитувчиларнинг бугунги нуфузи ҳақидаги саволларга жавоб берилди.

Насба ЖОНТЎРАЕВА,
Замира БАЛТАЕВА (фото).

«Мулоқот»

Вилоят Матбуот уйида «Hududgaz Samarqand» газ таъминоти филиали директори Олимжон Исоқов иштирокида вилоятда суюлтирилган газ таъминотини онлайн назорат қилиш тартиби бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан анжуман бўлиб ўтди.

Маиший газ баллонларини рақамлаштириш сарсонгарчиликларнинг олдини оладими?



"Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиалига қарашли Самарқанд газ тўлдириш станцияси, Ургут, Пайариқ, Пахтачи, Каттақўрғон, Қўшработ газ тўлдириш шохобчалари томонидан газ баллонлари тўлдирилиб, 827 та маҳаллага етказиб берилмоқда. Шунингдек, бу юмш билан "Темургаз" МЧЖ ва "Samexprespetrol" хусусий корхоналарига қарашли газ тўлдириш шохобчалари ҳам шуғулланмоқда.

"Hududgazta'minot" акциядорлик жамияти томонидан суюлтирилган газ ҳисоб-китобини юритишда автоматлаштирилган тизим жорий этилмоқда, - дейди О.Исоқов. - Бу ҳам истеъмолчи, ҳам таъминотчи учун ҳар томонлама қулай тизим бўлиб, газ баллонларини тарқатишда шаффоқлик, аҳолига нақд пулсиз хизмат кўрсатиш таъминланади. Ҳозирча нақд пулсиз хизмат кўрсатишнинг 366 минг 88 тасига махсус штрих кодли стикерлар ўрнатилди, 4479 та истеъмолчига эса ID-карталар тарқатилди.

Ҳозир вилоятда 487 минг 105 та суюлтирилган газ истеъмолчилари мавжуд бўлиб, уларнинг 486 минг 772 таси аҳоли хонадонлари, 332 таси эса ижтимоий соҳа объектлари ҳисобланади. Маиший газ баллонлари етказиб бериш даврийлиги 30-40 кунни ташкил этиб, автомашиналарда айланма тара усулида тарқатиш хизмати йўлга қўйилган. Жорий йилнинг январь ойида суюлтирилган газ истеъмолчилари сони қарийб 4 мингтага ошиб, аҳолига 3819 та маиший газ баллонлари тарқатилди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Самарқандда хуфиёна иқтисодиётга қарши қандай курашилмоқда?

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтган йили тадбиркорлик субъектларига 2 мингга яқин амалий ёрдамлар кўрсатилиб, 2068 та иш ўринлари яратилди.

Хусусан, 117 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди. Бундан ташқари, 95 та тадбиркорлик субъектига ер ажратишда, 15 тасига электр тармоқлариغا уланишда, 9 тасига фаолиятини кенгайтириш учун банклардан 315 миллион сўм миқдорда кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилган. Қолаверса, 309 та субъект фаолиятига қонуний тус берилган.

Тадбиркорлик субъектларининг муружаатлари асосида 15 та жиноят иши қўзғатилган. Мисол учун, «AL ASAD ANVAR» масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг муружаатига асосан ўтказилган тезкор тадбирда вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси Ургут филиали мутахассиси О.М. 0,15 гектар ташландик ер майдонида қўшимча ишлаб чиқариш цехини қуриш учун ерга эгаллик ҳуқуқини берувчи қарор чиқариш ҳамда кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш

эвазига 2 минг доллар олган вақтида ушланган. Ҳолат юзасидан О.М.га нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Умуман, 2020 йилда 305 та жиноят иши қўзғатилиб, 139 та маъмурий иш юритилган.

КОРРУПЦИЯ ВА ПОРАХЎРЛИК
Коррупцияга қарши курашиш соҳасида 179 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Порахўрлик билан боғлиқ 60 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, соғлиқни сақлашда 13 та, олий таълимда 8 та, ер-мулк кадастрида 4 та, маҳалла фуқаролар йиғинларида 4 та, халқ таълимида 3 та, мактабгача таълимда 2 та, ИИБ тизимида 1 та, СЭОМ (СЭС)да 1 та, электр тармоқларида 1 та, бошқа соҳаларда 23 тани ташкил қилган.

Мисол учун, Каттакўрғон шаҳар тиббий қақриув комиссияси катта врачлари И.Т. ўз хизмат хонасида фуқаро

А.Б.дан унинг ўғли Г.Д.нинг оёғи ясси эканлиги, 2020 йил 30 январь кунини ўтказилган тиббий кўриқда "муддатли ҳарбий хизматга яроқсиз", деб топилганлигини ваҳдани қилиб, уни хизматга яроқлилиги тўғрисида ҳулоса бериш ва Самарқанд шаҳридаги танишлари орқали ҳарбий хизматга юбориш эвазига 600 долларни пара тарикасида олган вақтида ушланган.

Суд ҳукмига кўра И.Т. 4 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

БЮДЖЕТ ПУЛИ ХИСОБ-КИТОБСИЗ ЭМАС
Ўтган йили бюджет маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ 54 та жиноят иши қўзғатилган. Жами 23,5 миллиард сўмлик зарар аниқланган.

Жумладан, халқ таълими тизимида 10 та ҳолатда 3,4 миллиард сўм зарар аниқланиб, 2,8 миллиард сўми ундирилган. Мактабгача таълим тизимида 6 та ҳолатда 736,3 миллион сўм зарар аниқланиб, 542,5 миллион сўм ундирилган. Соғлиқни сақлаш тизимида 6 та ҳолатда 782,4 миллион сўмлик зарар аниқланиб, 453,5 миллион сўм ундирилган. Электр

тармоқлари тизимида 5 та ҳолатда 6 миллиард сўмлик зарар аниқланиб, 1 миллиард сўм ундирилган.

СОЛИҚ ТЎЛОВИДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТ

Вилоят бўйича солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари юзасидан 23 та жиноят иши қўзғатилди. Шу орқали бюджетга қўшимча 91,5 миллиард сўм ҳисобланиб, 16,8 миллиард сўм ундирилди.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги "COMMERCE MIX TRADE" МЧЖ таъсисчиси ва раҳбари ҚҚС ҳисоботи бўйича жами 10,8 миллиард сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, 3,2 миллиард сўмга камайтириш орқали ҚҚС бўйича 537,9 миллион сўм солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, 5,1 миллиард сўмлик нақд пулларни назорат касса машинасидадан ўтказмаган. Шунингдек, жамият сотилган, 3,5 миллиард сўмлик кирим қилинмаган товарлар савдосини амалга ошириб келганлиги аниқланган.

Ҳолат юзасидан солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноят иши қўзғатилган ҳамда суднинг ҳукми билан қорхона раҳбари-га тегишли жазо тайинланган.

НОҚОНУНИЙ ТОПИЛГАН ДАРОМАД БУЮРМАЙДИ

Жиноий фаолиятдан олинган даромадлари легаллаштириш бўйича 5 та жиноят иши қўзғатилган.

Мисол учун, Самарқанд шаҳар "Трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси" мансабдор шахслари бир гуруҳ бўлиб, 2017-2019 йиллар давомида қорхона ходимларига хизмат сафари учун, иш ҳақига қўшиб ёзиш, иш ҳақини тарқатмаслик, ишламаган фуқароларнинг харажатлари учун ўтказиш, бошқа қорхоналарга молиявий ёрдам ҳамда қорхона корпоратив картасидан асоссиз чиқим қилиш орқали 1 миллиард 258,3 миллион сўм қорхона маблағларини талон-торож қилган.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйдан 3 хонали хонадонни сотиб олиш учун 232,4 миллион сўм ўтказиш орқали жиноий фаолиятдан олган даромадларини легаллаштирган.

Ҳолат юзасидан қорхона мансабдор шахсларига нисбатан ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларини легаллаштириш билан боғлиқ жиноят иши қўзғатилган.

ВАЛЮТА ҚўЛДА СОТИЛМАЙДИ

Ўтган йили вилоятдаги 19 та тижорат банкларида мавжуд 104 та халқаро пул ўтказмаларидан 840 миллион 579,7 минг АҚШ доллари келиб тушган. Шунингдек, 60 миллион 374 минг АҚШ доллари хорижга юборилган.

Мавжуд 91 та валюта алмаштириш шохобчалари орқали 260 миллион 131,3 минг АҚШ доллари сотиб олинган. Ўз навбатида, 140 миллион 162,4 минг АҚШ доллари сотилган. Шунга қарамадан, ўтган йили валюта маблағларининг ноқо-

нуний муомаласи билан боғлиқ 53 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 44 та жиноят ва 9 та маъмурий ишлар юритилган.

Оқибатда 142 минг 919 АҚШ доллари, 57 минг 200 Россия рубли, 2000 Қозоқ тенгеси, 263,1 миллион сўм ва 165,2 миллион сўмлик заргарлик буюмлари олиб қўйилган.

Мисол учун, Каттакўрғон тумани "Пайшанба" деҳқон бозори олдидан ўтказилган тезкор тадбирда, фуқаро С.Х. бир гуруҳ бўлиб, фуқаро В.А. га 1 АҚШ долларини 9590 сўмдан ҳисоблаб, 7250 доллари 69 миллион 527 минг 500 сўмга сотган вақтида ушланган.

ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Мазкур йўналишда 56 та ҳолат аниқланиб, 30 та жиноят иши қўзғатилган ва 26 та маъмурий иш юритилган. Оқибатда 695,3 миллион сўмлик товар моддий бойликлари олиб қўйилган.

Жумладан, дори-дармон воситаларини ноқонуний сотиш билан боғлиқ 18 та маъмурий, психотроп дори воситаларини ноқонуний сотиш билан боғлиқ 4 та жиноят иши қўзғатилган.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари муомаласи билан боғлиқ 4 та жиноят иши қўзғатилган ва 1 та маъмурий иш юритилиб, 35,6 миллион сўмлик, пахта чигитидан ёр ишлаб чиқариш билан боғлиқ 16 та жиноят ва 2 та маъмурий иш юритилиб, 378,2 миллион сўмлик ускуналар ва маҳсулотлар олиб қўйилган.

М.РЎЗАТОВ, Департаментнинг вилоят бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

Касалликлар профилактикаси ҳамда асоратларнинг олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган бўлишига қарамасдан, ҳозирги замон тиббиёти аҳоли саломатлигига юқумли касалликлардан кўра юқумсиз касалликлар кўпроқ хавф туғдираётганлиги тўғрисида бонг урмоқда. Сабаби, юқумли касалликлар турли омиллар таъсирида келиб чиқса, юқумсиз касалликлар ривожланишига аксарият ҳолларда аҳолининг ўзи сабабчи бўлади.

Сурункали хасталикларнинг 60 фоизи нотўғри турмуш тарздан келиб чиқади

Табий маҳсулотлардан кўра, иштаҳани очувчи, синтетик витаминлар билан бойитилган, бузилишини секинлаштирувчи, сақланишини узайтирадиган сунъий қўшимчалар қўшилган маҳсулотлар, айниқса, ширинликларга ружу қўйилганлар кўпайди. Туз ва ёғни меъёридан кўп истеъмол қилиш, ҳам ҳаракатлилик ҳамда бошқа омилларнинг салбий таъсири сабабли ортиқча вазнлилик ортиб борапти. Оқибатда аллергия, юрак қон-томир касалликлари, қандли диабет, организмнинг касалликка қарши курашиш қобилияти заифлашиши ҳисобига ўсма касалликлари сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Халқимиз хамири таомларни севиб истеъмол қилади. Лекин биз ишлатадиган ун маҳсулотларининг аксарияти олий навли. Улар енгил ҳазм бўлиши билан бирга организм учун муҳим ҳисобланган витамин, минераллар ва бошқа фойдали биологик моддалардан деярли холи. Бундай маҳсулотларни доимий истеъмол қилиш семиришга, организмнинг витамин ва минераллар етишмовчилиги ҳисобига заифлашишига, оқибатда турли касалликларнинг ривожланишига мойилликни оширади.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқори даражада техник ишлов берилган озиқ-овқат маҳсулотлари (олий навли ун, оқ гуруч ва бошқалар), шунингдек, тижорат мақсадида етиштирилган мевасабзотлар, консервланган озуқа маҳсулотларида асосий микроэлементлар миқдори оддий тайёрланган ва етиштирилган маҳсулотлар таркибига нисбатан сезиларли даражада

кам. Масалан, В1 витамини бугдой нонининг 100 грамида 0,23 миллиграмм бўлса, бугдой кепегиде 0,75 миллиграмми; фтор бугдой унининг 100 грамида 95 милликилограмм бўлса, нонда 48 милликилограмми ташкил қилади. Пусти ва кепегидан обдон тозаланган маҳсулотларни истеъмол қилиш айрим микроэлементлар тақчиллигини келтириб чиқаради. Шунинг учун, пастроқ навли ундан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Статистик маълумотларга кўра, 10 фоиз аҳоли табиий қарийди, 20 фоизи бахтсиз ҳодисалар ва урушлар, 70 фоизи турли касалликлар натижасида оламдан ўтар экан. Соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилмаслик, ўз саломатлигига этиборсизлик оқибатида дунё бўйича аҳоли ўртасида юрак қон-томир касалликлари, қандли диабетнинг иккинчи тури, ўсма касалликлари ҳамда нафас йўллариининг сурункали касалликларидан эрта ёшларда ўлим ва касалланиш ҳолатлари етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Сурункали касалликларнинг 60 фоизи нотўғри турмуш тарзи, яъни тамаки чекиш, алкоголь истеъмол қилиш, мевасабзотларни етарлича истеъмол қилмаслик, ёғлар, туз ва ширинликларни меъёридан кўп тановул қилиш, жисмоний нофооллик билан боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳулоса қилиш ўзингиздан.

Ш.БОБОЁРОВ, Самарқанд шаҳар 2-оилавий поликлиникаси филиали бўлим бошлиғи.

АВТОМАШИНАЛАР ЧАРХПАЛАГИ

тирбандликларни бартараф этишга ёрдам беради(ми?)

«Миллий тикланиш» демократик партияси Самарқанд шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан тузилган ишчи гуруҳи шаҳарда машиналар тирбандлигининг олдини олиш мақсадида янги-янги лойиҳаларни ўрганмоқда.

Бугунги кунда шаҳардаги барча кафе, ресторан ва тўйхоналар атрофида «стоянка»лар ташкил этилмаган, - дейди «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши раиси Акбар Аҳтамов. - Натижада одамлар ўз машиналарини йўл четига қаторлаштириб қўяди. Шунингдек, савдо мажмуалари ва дўконларга харид қилишга келган мижозлар йўл ёқасига улловини қўйиб кетаверади. Бозорлар ҳудудларидаги автотураргоҳлар сифими кичиклигидан машина қўйишга жой тополмайсан. Шаҳримизда бу каби сарсонгар-

чиликларнинг олдини олиш мақсадида кўпроқ изланишлар олиб бориш керак. Янги-янги лойиҳаларни ўрганиб, амалиётга татбиқ қилишимиз зарур. - Жаҳоннинг йирик мегаполис шаҳарларида ҳам машиналар тўхташ жойлари асосий муаммолардан бири ҳисобланади, - дейди лойиҳа ташаббускори Хайрулла Мамасолиев. - Жумладан, Токио, Шанхай, Москва, Рим шаҳарларида кўп қаватли автомобиль тураргоҳлари мавжуд. Биз тақлиф қилаётган янги лойиҳа ҳам шаҳримизнинг машиналар энг тизим ҳаракатланаётган ва тирбандликлар юзага келаётган ҳудудларига мос келади. Мазкур чархпалаклар кичик ҳудудни эгаллайди, уларда 12 тагача машина жойлаштирилади. Шаҳар бўйлаб уларнинг 50-60 тасини ўрнатиш мумкин. Бу аҳоли гавжум ҳудудлар ва машиналар тирбанд бўладиган йўллардаги ҳаракатларни тартибга солишга ёрдам беради.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Ўқитувчига малака тоифасини бериш

уларни аттестациядан ўтказиш йил давомида амалга оширилади

Жорий йилнинг 25 январь кунини Президентимиз томонидан имзоланган «Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор педагог ходимларнинг малакасини оширишда янги имкониятлар эшигини очди.

Қарорга мувофиқ, энди ўқитувчилар малакасини оширишда табақалашган дастурлар асосида ўқитиш тизими жорий этилади. Бунда ходимлар малака даражаси, билими, илмий-педагогик салоҳияти, психологик тайёргарлиги, иш тажрибасига қараб табақалашган ҳолда ўқитилади.

Хўш, ходимлар салоҳиятини оширишда бу тизим нима беради?

Малака оширишда табақалаштиришнинг афзаллиги шундаки, иш тажрибаси ва малакаси юксак ходим билан эндигина соҳага кириб келаётган ходим бир дастурни тенгма-тенг ўзлаштиролмаслиги мумкин. Тажрибали ходим учун баъзи дарслар зерикари туюлиши табиий. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, табақалашган таълим тизими халқ таълими муассасалари ҳар бир ходимнинг малакасини оширишда фойда беради.

Шунингдек, аънавий малака ошириш траекторияси касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган масофавий турлари ҳам жорий этилади. Яъни, ҳар бир ходим учун амалиёт ва назарияни биргаликда олиб бориш, унинг вақтини, таъбир жози бўлса, нақдини тежаш имкониятини яратади.

Ўқитувчиларга малака тоифасини бериш ва сақлаб қолиш, уларни ат-



«Янги лойиҳалар»

Самарқанд аэрогеодезия қорхонаси ходимлари томонидан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти мустақил изланувчилари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Шаҳарда шовқин тарқалиши харитасини тузиш услубини тарқомиллаштириш, маълумотларни геомоделлаштириш» усули синовдан ўтказилди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида эса бу усул амалиётга жорий этилди.

Шаҳарда шовқин тарқалишининг харитаси яратилди

Ўлчаш амалиёти Мирзо Улуғбек, Рудакий, Регистон кўчаларида GPS қурилмалари ёрдамида геодезия асос яратилди, ҳар бир асосда шумомер ёрдамида шовқин ўлчанди ва харитада шовқин тарқалишининг картографик тасвирлар орқали шартли белгилари қўлланилди.

Шаҳар шовқин харитасида кўчаларда ўрнатилган асослардан фойдаланиб, шовқин тарқалишининг картографик белгилари тасвирлан-

ган. Мазкур инновацион иш амалда шаҳарларнинг шовқин тарқалиш харитасини тузишда шаҳар бош архитектураси, соғлиқни сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мониторингини юритиш имкониятини яратади.

Феруза МУСАЕВА, Самарқанд аэрогеодезия қорхонаси инновация ва янги технологияларни жорий этиш бўлими мутахассиси.

Ўзагроинспекциянинг Ургут тумани бўлими томонидан юридик шахслар ўртасида тузилган шартнома шартлари бажарилиши юзасидан назорат тадбирлари ўтказилди.

Судларга бир миллиард сўмликдан ортиқ даъво аризалари киритилди

“Ургут-агросервис МТП” масъулияти чекланган жамият ҳамда Паст Дарғом туман МТП давлат унитар қорхонаси ўртасида 2019 йил 30 январда техника хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузилган. Шартномага асосан жамият 382 миллион 31 минг сўмлик хизматлар кўрсатган. Аммо кўрсатилган хизматлар қабул қилинганга қарама-масдан Паст Дарғом тумани МТП ДУК шартномадаги маблағни тўламаган.

Ҳолат юзасидан инспекциянинг Ургут тумани бўлими томонидан Паст Дарғом туманларо иқтисодий судга даъво аризаси киритилди.

Февраль ойида “Ўзагроинспекция”нинг Ургут тумани бўлими томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида “Ургут-агросервис МТП” масъулияти чекланган жамияти манфаатини қўлаб судларга жами 1 миллиард 24 миллион сўмлик даъво аризалари киритилди.

Зайнобиддин СУВОНОВ, “Ўзагроинспекция”нинг Ургут тумани бўлими бошлиғи ўринбосари.

Вилоятимизда 21 минг 903 километр узунликдаги йўллар бор. Шундан 4097 километри умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари ва 17 806 километр ички йўл ҳисобланади.

Уч йилда 1800 километрга яқин йўл таъмирланган

Кейинги 3 йилда 1762,3 километр автомобиль йўллари таъмирдан чиқарилиб, 1045,6 километри янгидан асфальт-бетон қилинди. 2020 йилда 1085,5 километр автомобиль йўллари таъмирланди, 28 та кўприкда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 9 таси янгидан қурилди.

Шаҳар ва туманлар ҳудудларидаги 314,5 километр ички ҳўжалик йўллари таъмирланди ҳамда 4 та янги кўприк қурилди.

Вилоят молия бош бошқармаси ахборот хизмати.

“Дайвер” қандай қурилма?

Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланганди.

Унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бошқарма ҳузуридаги Мелиоратив экспедицияси томонидан вилоятимиздаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ўрганилади. Сизот сувлари сатхи ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда мониторинг қилиш учун “Дайвер” қурилмалари ўрнатилди.

Паст Дарғом тумани “Зарафшон” муқобил машина трактор парки дала шийпонига ўтган ўқув-семинарда ҳам Мелиоратив экспедицияси бўлим бошлиқлари, фермер ҳўжалиги раислари ва канал участка бошлиқларига “Дайвер” қурилмасининг ишлаш принципи ва унинг афзалликлари тўғрисида маълумотлар берилди. **Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ахборот хизмати.**

Таниқли тиббиётчи олим, ташаббускор раҳбар, беназир устоз Саид Кўбаев ҳаёт бўлганида 62 ёшни қарши оларди.

Устознинг катта илмий ва ҳаётий йўли бугун кўпчилик учун ибрат мактаби вазифини бажармоқда. Саид Кўбаев деганда тиббиётчилар юз-жағ, жумладан, тиш касалликлари билимдонини кўз олдига келтиради. Негаки, устознинг соҳада бирламчи профилактика, тиш ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволашдаги қимматли фикрлари, илғор қарашлари ва мулоҳазалари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган.

1959 йил Иштихон туманининг Зарафшон қишлоғида туғилиб ўсган домла нафақат вилоят, балки республика илмий жамоатчилиги орасида ҳурмат-эътибор қозонган. Албатта, чекка бир қишлоқ ўғлини учун азим

Моҳир жарроҳ ва етук олим ибрати

Тошкентда тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириш осон бўлмаган. Зотан, С.Кўбаев тинимсиз ҳаракат қилди, илм олишга интилди, тунни тонгга улаб китоб ўқиш, институтни аъло баҳоларга битирди. Ўз навбатида, моҳир жарроҳ, етук олим бўлди, истиклолнинг илк даврлари – 1994 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Соҳанинг деярли барча бўғинларида ишлаб тажриба орттирди. Хусусан, 1982-1983 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интернатурани ўтади. 1983 йилда Қўшрабат тумани шифохонасида врач-стоматолог вазифини эгаллади.

Домла қаерда бўлмасин, шунчаки, вақт ўтиши учун ишламади. Чекка туманда ҳам аҳоли ўртасида тиш патологиясининг тарқалиш даража-

си, минтақанинг иқлим ва географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда стоматологик хизматни ташкил этиш, стоматологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш устида тинимсиз изланишлар олиб борди.

Кейинги фаолиятини Самарқанд шаҳар 1-шифохонасида давом эттирди. У бу ерда юз-жағ жарроҳлиги бўлими ординатори, кўп ўтмасдан, вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси юз-жағ жарроҳлиги бўлими бошлиғи лавозимида меҳнат қилди.

Бу даврда С.Кўбаев бола организмнинг ривожланиши ва ўсиши билан боғлиқ хусусиятларни эътиборга олган ҳолда юз-жағ соҳалари яллиғланиши касалликлари, жароҳатлар, чакка пастки жағ бўғими касалликлари, юз ва жағлар туғма нуқсонлари бўйича замо-

नावий ташхислаш ва даволаш услублари бўйича етук мутахассис сифатида ўзини намоён қилди. Бугун ҳам фарзандидаги юз ёки жағ туғма нуқсонини даволатган кўплаб инсонлар С.Кўбаевни кўли энгил жарроҳ, ширинсухан шифокор сифатида ёдга олади.

Одатда аксарият олимлар лавозим сабаб илмий изланишларни бир четга суриб қўяди, фаолиятини илмий асосда ташкил қилишга интирмайди. Саид Кўбаев эса ўқиш ва ўрганишдан, изланишдан тўхтамади. Мухими, у илмий ишларини амалиётда синая, бошқа соҳалар билан уйғун олиб борди. Натижада, 2002 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

С.Кўбаев 2005-2010 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳамширалик иши факультети декани



вазифасида ишлаганида ҳам ўз аъённаларига содиқ қолди. Инсонийликни йўқотмади, илмдан, изланишдан ва одамларга хизмат қилишдан чарчамади. Бунинг самарасида 2011 йил институтда стоматология факультети очилди, С.Кўбаев бошчилигида стоматология кафедраси ташкил этилди. У киши икки йиллик фаолияти давоми-

да тиш ва милкларни мустаҳкамлаш, юз-жағ соҳасидаги хасталикларни даволашнинг замонавий услубларини ўзлаштириш, янгиликлар билан танишиш, бошқа ҳудуд ва давлатлар шифокорлари билан ўзаро тажриба алмашишда бош-қош бўлди. Тиббиёт муассасаларининг замонавий ташхис қўйиш ва эмлаш асбоб-ускуналари билан таъминланишида жонбозлик кўрсатди.

Республика ва халқаро илмий анжуманларнинг фаол иштирокчиси бўлган С.Кўбаевнинг хизматлари ҳуқуқматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Устоз бир неча фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар соҳиби эди.

Афсуски, С.Кўбаев 2013 йилда ҳаёт билан видолашди.

Охиратингиз обод бўлсин, устоз!
Сўхроб ЗАЙНИЕВ,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

REKLAMA, F'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Маҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали 2020-2021 ўқув йилида битирувчиларини йўлланма асосида ишга тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, дастурлаш соҳасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ва рақобатлаша оладиган ёш мутахассисларга эҳтиёжи бўлган барча корхона, ташкилотлар ва таълим муассасалари ТАТУ Самарқанд филиали директори номига талабнома хатлари билан мурожаат қилишлари мумкин. Корхонанинг масъул шахслари битирувчи талабалар билан учрашув ўтказишлари ҳамда тақсимот маросимларида иштирок этишлари учун барча шароитлар яратиб берилади. Эътиборингизга йўналишлар бўйича малакали ёш мутахассисларни тақдим этамиз:

Т/р	Коди	Номи	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар)		Битирувчилар сони	Шу жумладан										Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони															
			шу жумладан, аёллар	шу жумладан, аёллар		грант	контракт	шу жумладан, аёллар	Қорақалпоғистон Республикаси	шу жумладан, аёллар	Бухоро вилояти	шу жумладан, аёллар	Жиззах вилояти	шу жумладан, аёллар	Навоий вилояти	шу жумладан, аёллар	Самарқанд вилояти	шу жумладан, аёллар	Сурхондарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Сирдарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Фарғона вилояти	шу жумладан, аёллар	Қашқадарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Тошкент вилояти	шу жумладан, аёллар	Тошкент шаҳри	шу жумладан, аёллар	
Бакалаврият																															
ЖАМИ:			404	42	80	5	324	37	1	0	3	1	28	1	18	1	328	38	8	0	1	0	1	0	12	1	3	0	1	0	
1	5350501	Компьютер инжиниринг («Компьютер инжиниринг», «АТ Сервис»)»	221	22	38	3	183	19									187	22	4												
2	5350600	Дастурий инжиниринг	49		14	0	35	0									37		2												
3	5350400	Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими	30	15	5	1	25	14					1	2	1	1	25	12								1	1				1
4	5350101	Телекоммуникация технологиялари (телекоммуникация)	74	5	15	1	59	4									55	4	1							2		1			
5	5330300	Ахборот хавфсизлиги	30		8	0	22	0	1								24		1							2					
Магистратура мутахассислиги бўйича																															
ЖАМИ:			11	3	4	2	7	1	0	0	0	0	0	0	1	0	8	2	1	1	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	
1	5A330501	Компьютер инжиниринг («Компьютер тизимларини лойиҳалаш»)	8	3	2	2	6	1									6	2	1	1											
2	5A350101	Телекоммуникация инжиниринги (телерадиоэшитириш)	3		2		1											2													
Филиал бўйича жами:			415	45	84	7	331	38	1	0	3	1	28	1	19	1	336	40	9	1	1	0	1	0	13	1	3	0	1	0	

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали қуйидаги кафедралар бўйича бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

“Компьютер инжиниринг” факультети бўйича:
“Ахборот технологиялари” кафедрасига:
- кафедра мудирини – 1 ўрин.
“Телекоммуникация технологиялари ва касб таълими” факультети бўйича:
“Ахборот технологиялари” кафедрасига:
- кафедра мудирини – 1 ўрин.
“Телекоммуникация инжиниринги” кафедрасига:
- кафедра мудирини – 1 ўрин.
“Тиллар” кафедрасига:
- кафедра мудирини – 1 ўрин.
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
- филиал директори номига ариза;
- ходимлар ҳисоби бўйича шахсий варақа;
- олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломларининг нусхалари;
- илмий унвони ҳақидаги аттестатнинг нусхаси;
- илмий ва услубий ишларининг рўйхати.
Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчаси, 2-уй.
Телефон: 66-232-28-61,
электрон почта: sf-mxb@inbox.uz,
телеграм рақами: 93-992-18-09.

МИННАТДОРМИЗ

Ўзбекистон «Кўзи ожизлар» жамияти Самарқанд шаҳар бўлини аъзолари Манзура Донобоева ва Улмон Наймановалар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази Самарқанд филиалида даволашниши. Ҳозирда уларнинг соғлиги яхшиланди. Филиал бош врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор Миржалол Жўраев, онкология бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Феруза Орифова, онколог врач Нигина Шарипова, ҳамширалар меҳри ва меҳнати учун миннатдорчилик билдирамыз.

Мустаҳкам соғлиқ ва барака сизни асло тарк этмасин!

Кўзибой ДОНОБОВЕВ,
Ўзбекистон «Кўзи ожизлар» жамияти Самарқанд шаҳар бўлини раиси.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан жами 12,3 га. (шундан: 4 га. сувли, 2 га. боғзор, 6 га. узумзор, 0,1 га. ариқ ва зовурлар, 0,2 га. йўллар) ер майдонларида фермер ҳўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 8 мартга қадар қабул қилинади.

Манзилимиз: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Ургут туманидаги «SHAXRIYA BUSINESS SERVICES» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304916604) ўз устав фондини 294 640 270 (икки юз тўқсон тўрт миллион олти юз қирқ минг икки юз етмиш) сўмдан 144 640 270 (бир юз қирқ тўрт миллион олти юз қирқ минг икки юз етмиш) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетанда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Боғишамол маҳалласи, Қоратепа кўчаси.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Равшанов Хусниддинжон Сафарбоевичга (2019 йил 21 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Абдураимов Абдуғалпапарга (2020 йил 2 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Муқумджанов Абдусамат Абдуҷаббаровичга (2012 йил 23 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Хамракулов Рузиқул Худайқулловичга (2017 йил 21 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Давурова Гулчехра Юлдашевнага (2019 йил 16 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд

Муминқулович нотариал идорасида марҳум Зарипов Раҳматта (2017 йил 24 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Нарпай туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Махаммадиев Алишер Эргашевич номига берилган О'Р-А № 1738022 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Самарқанд банк коллежидан 2011 йилда Муминов Отамурод Мурадulloа ўли номига берилган рўйхат рақами 3030, К № 2087274 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Пайариқ туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Рашидова (ҳозирда Сатторова) Ситора Бахридиновна номига берилган U № 1915593 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Паст Дарғом туманидаги «DILSHODBEK SAVLATBEK FAYZ» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303935265) низомининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Иштихон туман Баҳрин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2019 йилда Юсупов

Вақтни бой берманг, ҳурматли акциядорлар!

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига асосан акциядор ўзининг паспорт маълумотларидаги ўзгаришлар ҳақида хизмат кўрсатувчи депозитарийга (инвестиция воситачисига) ўз вақтида хабар бериши шарт. «Depozitariy Samarqand Vaqt» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни:

- **жисмоний шахслар учун** - шахсини тасдиқловчи ҳужжат - фуқаролик паспорти, солиқ тўловчининг идентификация рақами тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари (ИНН), телефон рақами, шунингдек, мавжуд бўлган тақдирда электрон почта манзили, банк реквизитлари кўрсатилган ҳамда имзоланган анкеталарни;
- **юридик шахслар учун** - юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳномаси, низоми, таъсис ҳужжатлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами гувоҳномаси ва КТУТ коди (резидент учун), унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк реквизитлари, телефон рақами, электрон почта манзили кўрсатилган ҳамда имзо ва муҳри босилган анкеталарни тақдим этишларини сўраймиз.

Ҳурматли акциядорлар, ушбу маълумотлар юзасидан акциядорлик жамияти жойлашган манзилдаги қимматли қоғозлар бўйича мутахассисга мурожаат қилишингиз ва ҳужжатларни тақдим этишингиз мумкин.

Барча маълумотлар электрон почта ва телеграм орқали ҳам қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-“А” уй. Мўлжал: Самарқанд вилоят ҳокимлиги.
Телефон: 66-233-93-66, **e-mail:** samarqandvaqt@mail.ru

Насимжон Фарҳод ўғли номига берилган рўйхат рақами 122, К № 0357522 рақамли имтиёзли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги собиқ 42- (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 76-) умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Маджидова Зарнигор Нуриллоевна номига берилган U № 1647153 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ХОВЛИ СОТИЛАДИ
Самарқанд шаҳри Бухорий маҳалласи, Обод кўчасидан (табiiй газ, ичимлик суви ва электр энергияси доимий, канализация бор, умумий майдони 3 сотих, ёрдамчи хоналари билан) **4 хонали ҳовли-жой** сотилади.
Телефон: 97-288-89-23, 93-963-02-52.

1 март – атоқли шоира Зулфия таваллуд толган кун



Соғиниб

Шу кунларда баҳорга зорман, Навжувонлик ўти танда йўқ. Куз сингари заъфар рухсорман, Мевалар ҳам шохлардан узук.

Шу кунларда баҳорга зорман, Танхасталик эзди руҳим. Танҳо эмас, қаторда борман, Яна нени излайди суқим?

Шу кунларда баҳорга зорман, Шаффоф, ёрқин куй тилар кўнгул. Яхшиямки, қаламга ёрман, Сўзлаб турар бор дилимни ул.

Шу кунларда баҳорга зорман, Ўз баҳорим каби бемисол. Баҳор қайтмас, ёнувчи қорман, Ё нўноқ қўл бутанган ниҳол.

Шу кунларда баҳорга зорман...



18 ёшида раҳбар бўлган аёл

Бу аёлни тadbирли раҳбар деб эътироф этишади жомбойликлар. Эҳтимол, раҳбарлик қобилияти отасидан ўтгандир. Аммо оиладаги тутуми, турмуш ўртоғига ҳурмат, фарзандлар тарбияси борасида қўллаганлари онасидан ўтган.

Гулнора Аҳмедова, аслида, раҳбарлик фаолиятини 18 ёшидан бошлаган. - Ушанда институтда сиртдан ўқиб, ҳам боғчада тарбиячи бўлиб ишлардим, - дея гапириб беради Гулнора опа биз билан сўхбатда. - Жомбойнинг чекка қишлоғида туғилганман. Бир йил мавсумий ишлайдиган боғчада фаолият юритдим. Аммо шу орада боғча маълум сабабларга кўра мудирасиз қолди. Совхоз раҳбари мени чақиртириб, «боғчага мудира бўласан, сендан бошқа олий маълумотли ходим йўқ экан», деди. Ушанда ўзимни йўқотиб қўймай, совхоз раҳбарига шарт қўйганимни эсласам, ҳалиям ўша шижоатимга ҳайрон қоламан. «Майли, мудиралик қиламан, аммо шартим бор. Бизнинг боғчамиз ҳам мавсумий эмас, доимий боғча бўлсин, шароитлари яхшилансин», деганимда совхоз раҳбари кулиб қўйди-да, «сендан нимадир чиқадий» деди.

Шу-шу мудиралик қилдим. Ростдан ҳам совхоз раҳбари сўзида турди. Кўп ўтмай боғчага қўшимча бинолар қурилиб, таъмирланди, кейинроқ фақат қишлоқ хўжалик ишлари авж олган паллада ишлайдиган боғча йил давомида болаларни қабул қила бошлади.

МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАРГА НОНУШТА ТАШКИЛ ҚИЛГАНМАН

Орадан йиллар ўтди, турмушга чиқдим, фарзандларим туғилди. Мактабда, ўқитувчи бўлиб ишлаш бошладим. Ўша, 80-йилларда 3,5 километр оралик масофада жойлашган иккита мактабга пиёда катнаб ишлардим. Кўп вақт ўтмай, мени ўша пайтдаги 39-мактаб директориликка тайинлашди. Шу йиллари одамларнинг яшаш шароити оғиррок,

болаларнинг тўйиб овқатланмаслиги маълум эди. Бундай пайтда яхши ўқини талаб қилиш қийин бўлгани учун аввало, болаларнинг ҳеч бўлмаса, бир кунда бир стакан сут ичишлари учун имкон изладим. Қўшимча маблағлар ҳисобидан қорамол сотиб олдим. Ярим гектар ер ажратилгач, деҳқончилик қилиб, ўқувчиларнинг нонушта қилиши учун шароит яратдик. Ўқувчиларнинг яхши билим олиши учун ўқитувчиларни ҳам рағбатлантирдик. Хуллас, ўша пайтлар вилоят ҳокими бўлиб ишлаган Шавкат Мирзиёев бу тажрибани бошқа мактабларда ҳам омаллаштиришга чақирганди.

50 ФОИЗ БИТИРУВЧИ ЎҚИШГА КИРГАН

Бир неча йил ўтмай тумандаги энг қоқоқ, 54-мактабга директор этиб тайинландим. 240 ўринли мактабни тез орада ҳашар йўли билан қурдик, ўқувчиларнинг билим натижалари яхши бўлган ўқитувчиларга рағбатни кучайтирдик. Орадан бир неча йил ўтиб ушбу мактабнинг аввал 20, кейин 30, сўнг 50 фоиз битирувчиси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилина бошлади. Буларнинг барчаси ўқитувчиларнинг изланишлари, уларга адолатли муносабат, мактаб жамоаси худди катта бир оиладаи муҳитингиз яратилганида эди, деб ўйлайман.

Бу меҳнатларим самарасиз кетмади. Давлатимиз томонидан «Шухрат» медали билан тақдирландим.

ДАВОМАТ 15 ФОИЗ БЎЛГАН КОЛЛЕЖГА РАҲБАР БЎЛДИМ...

2010 йилдан эса даволат 20 фоизга ҳам етмайдиغان Жомбой иқтисодиёт



коллежга раҳбар бўлдим. Даволатнинг аҳоли бу, жамоа икки гуруҳга бўлиниб олган, ўқитувчилар ишлашни истамайди. Бу вазиятдан қандай чиқиб кетиш мумкин, коллежни намуналига айлантиришда нимага эътибор бериш керак? Тўғриси, аввалига боши берк кўчага кириб қолгандай ҳис қилдим ўзимни. Аммо бир умр таълим тизимида ишлаганам, қолаверса, юқорида таъкидлаганимдай, доим қоқоқ мактабларда ишлаб, озми-кўпми уларнинг даражасини кўтарганим учун дарҳол режа туза бошладим. Аввало, ишлайётган жойнинг обод бўлиши, ишга келганда у ердаги шароитдан, муҳитдан баҳра олиши керак инсон. Коллежга келганимда ҳаммаёқ янгоқдор, деворлар кўчиб кетган, жиҳозлар абгор... Ишни ободлаштиришдан бошладим. Мактабда ишдан кетаётганимда берилганим «расчет»ни бўёқ, чўтка олишга сарфладим, тўғриси. Ҳовлини тозалатиб, гуллар эктирдим. Хуллас, биринчи сентябрьгача шундай, ўз харажатларимиз билан бўлса-да, ўзгариш содир бўлди. Эндиги масала, коллеждаги даволат эди. Ўқитувчиларга қаттиқ талаб қўйдим, даволати

«Аёл иродаси»

яхши бўлмаган гуруҳ ўқитувчисига чора кўришгача бордик. Бир йил ичида коллежда анча ўзгаришлар бўлди. Талабалар «Сиз қонунни биласизми?» танловининг республика босқичида иккинчи ўринни олган, коллеж ўқувчилари ўртасида дарсга, таълим муассасасига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Ўрни келганда айтишим керакки, ушбу танловда қатнашган йигит-қизларнинг деярли барчаси бугунги кунда жамиятнинг нуфузли идораларида меҳнат қилмоқда.

Хуллас, коллежнинг қиёфаси ҳам, таълим-тарбия ҳам ўзгарди.

АЁЛ РАҲБАРНИНГ УСТУНЛИК ЖИҲАТЛАРИ НИМАДА?

Умуман, аёл раҳбар биринчи навбатда, ўша, борган жойида ўзи она бўлгани учунми, худди оиласидаги каби тартиб бўлишини истайдими, ходимлардан ишни талаб қилиш баробарида фарзандига нечоғлик адолатли бўлса, шундай адолат ўрнатилишига ҳаракат қилади. Шундай ўй билан ҳаракат қилсагина, жамоада обрў топади, элнинг ҳурматини қозонади. Эҳтимол, шунинг учун кўп ўтмай «Эл-юрт ҳурмати» орденига муносиб кўрилгандирман. Бу эътибор, муқофотларнинг барчасини масъулият деб ҳис қилдим. Бир пайтлар ҳатто ўқитувчилар «Аҳмедова битта кўйлагини адо бўлиб қолмагунча қияди-я», деган киноямуз гапларни эшитганман. Баъзида ҳозир ҳам қариндошларимиз «шунча раҳбар бўлиб ишлаб, бор-йўғи битта уйларинг бор-а», дейишади. Аммо ҳалол ишлаганман, қаерда фаолият юритмай, виждонимга хилоф иш тутганман, дея ишонч билан айта оламан.

Дарвоқе, биз Гулнора Аҳмедованинг қайси фандан дарс бериши, педагог сифатидаги маҳоратига тўхталмадик. Мақсадимиз, раҳбар аёлнинг фикрлари, тажрибаси билан ўртоқлашиш эди...

Гулруҳ МЎМИНОВА.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

1997 йил, июнь

Самарқандлик икки олим Раҳимберди Ражабов ва Нурали Муҳаммадиев Нью-Йорк фанлар академиясининг фаол аъзоллигига сайланди.

Самарқандда Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

июль

Самарқанд туманидаги Охалик паррандачилик фабрикаси ва Германиянинг «Ломани Тирцухт» фирмаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Самарқанд кооператив институти озиқ-овқат корхоналари ускуналари кафедрасининг олимлари профессор Б.Эшқувватов раҳбарлигида, «Азия-Интер» савдо уйи буюртмаси асосида чиқиндидан антифрис олишни бошлади.

АҚШнинг Атлантика худудидаги Куролли Кучлар Бош қўмондони генерал Жон Шихан бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Самарқандда халқаро информатика академияси бўлими очилди.

август

«Жиззах-Мороқанд» йўналишида электр поезд қатнай бошлади.

Самарқанд шаҳридаги 5-ва 43-ўрта мактаб ЮНЕСКОнинг «Бирлашган мактаблар Дастури»га аъзо бўлди.

Самарқанд давлат чет тиллар институти тасарруфидидаги ўзбек-турк ўғил болалар лицейи ўқувчиси, жомбойлик Хайрулла Ҳамидов Туркиянинг Аски шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган жаҳон олимпиадасида олтин медалини қўлга киритди.

18 август куни АҚШ Конгресси Сенаторлари Жон Маккейн ва Фил Грэм бошчилигидаги делегация Самарқандда бўлди.

25 августдан 2 сентябргача Самарқандда «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусика фестивали ўтказилди. Унда 32 мамлакат ва икки халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.

сентябрь

Пахтачи тумани халқ таълими бўлими қошида «Зиёкор» кичик корхонаси очилди.

Самарқандда «Ядро физикасининг долзарб муаммолари» мавзусида II республика конференцияси ўтказилди.

Юраклардан жой олган адиб

Ўлмас Умарбеков асарларини такрор-такрор ўқишдан зерикмайман. Чунки ундаги воқеалар кўз ўнгимда тасвирланаверади. Адиб асарлари қаҳрамонлари ҳозир-жавоблиги билан китобхонлар юрагидан жой олган. Ёзувчининг «Одам бўлиш қийин», «Фотима Зухра», «Қўёмат қарз», «Қизимга мактублар», «Шошма Қуёш», «Ер ёнганда» асарларини китобхонлар севиб мутлоаа қилишади.

«Ер ёнганда» ҳикоялар тўплами ёзувчининг бошқа асарларидан фарқ қилади. Ҳикоялар тўплами ёзувчининг умри адоғида ёзилган асардир. Унда бизга васият тариқасида қолдирган ҳикоялари ҳам киритилган. Адибнинг биринчи ёзган ҳикоясидан тортиб сўнггисигача барчасида поклик, номуқ, одамийлик улугланади. Асарда бориға шўқр қилади-ган, қаноатли инсонлар образи тасвирланган. Унда Солиҳабининг ўғли Турғуннинг ноҳақ қамалиши, қайнона, келин, икки набиранинг қийналиб қол-

гани ҳақида сўз боради. Ўғлининг ноҳақ қамалишидан қаттиқ ранжиган онаизор ўғлини қамқодан чиқариш учун ўзини хар томонга уради. Фарзанднинг оёғига тикан кирса ҳам оналарнинг юраги оғрийди. Бу ҳолат асарда яққол тасвирланган. «Турғун қамалганидан бери, ўзи сезиб-сезмай қоронгини яхши номуқ, одамийлик улугланади. Тонг сахарда туриб, тазроқ кун келганини тилайди. Заруратдан кўчага чиқмаса, ўзича қимчайди, уй ичида ҳовлида гимирлаб кунни кеч қилади. Келини, неваралари ухлаши билан ўрнидан туради.



Ховлига тушиб ўғли юрган йўлларга тикилади, кўчага чиқади, қоп-қоронги онда-сонда фонарлари милтиллаб турган қишлоқ кўчасида йўл пойлайди, яна ҳовлига қайтиб, айвон зинапоясига омонатгина ўтиради-да, осмонга қарайди, юлдўзларга, ойга тикилиб кун санайди. Етмишга етиб, у шундай қулфат бошига тушишини

«Мутлоаа»

билмаган эди. Баъзида Худодан ўлим тилаб, қўлларини чўзади, аммо кексалик ақл-идроки билан ниятидан қайтиб, қўлларини юзига суртмайди, аксинча, ўғли эсон-омон қайтгунча, невараларини йўлга солгунча, соғлиқ, қувват тилайди. Ўн уч ойдан бери шундай қоронги кеча унинг маслаҳатчиси, овунчоғи. Кечалари у ўзини одамдек ҳис қилади. Кун туғиши билан яна тунни кутади».

Адибнинг кичик ҳикояларида воқеалар ривожат маҳорат билан тасвирланган. Асар китобхонни мулоҳаза юритишга, ҳар бир қаҳрамон характерида келиб чиққан ҳолда хулоса чиқаришга ундайди. Қаерда, ким бўлишидан қатъий назар оналарни қадрлашни ўргатади.

Насиба МИРЗАЕВА, Пушкин номидаги ахборот-кутубхона марказининг электрон ресурслардан фойдаланиш ва ўқув заллари хизмати раҳбари.

Телекамерани «сўзлатган» тасвирчи

Абулхай ака Ургутдаги қишлоқда яшаб, барча қатори мактабда таълим олган. Бошқа тенгқурлари каби омади чопмаган пайтлари хафа ҳам бўлган, лекин умидини йўқотмаган. Гарчи, СамДУ педагогика факультетини битирган бўлса-да, бир тасодиф туфайли у телеоператорликка қизиқиб қолди. Аниқроғи, Тошкентдан келган таниқли тасвирчининг Ургут тоғларини, ҳовлиларни тасвирга олишини, ишидан завқланишини, ҳатто муҳаррир ва режиссёрга нималарнидир ўргатишини кўриб, бу касбга ҳавас қўйди. Дастлаб тўй-маъракаларда хусусий камерада тасвирга олишни ўрганган А.Жалилов ўзига ўхшаган фидойи ижодкорлар билан Ургутда телестудия очишга қарор қилди.



1991 йилда тоғли туманда «Чинор» телестудияси очилди ва унинг лавҳалари туман аҳолисига намойиш этилди. Ўтган 30 йил ичида А.Жалилов профессионал тасвирчи бўлиб етишди. Дарвоқе, 1996 йилдан буён вилоят телерадиокомпаниясида ишлаяпти. Тўғри, вилоятда аввал ҳам бундай тасвирчилар ишлаган. Лекин уларнинг бирортаси Абулхай ака каби пенсия ёшигача фаолият кўрсатмаган.

А.Жалилов ўнлаб шогирдлар, юзлаб ҳужжатли ва телефильмлар тайёрлашга улгурди. Тўғридан-тўғри эфирларни тайёрлашда у кишидан ўтадигани

Умида МАМАДАЛИЕВА, тележурналист.

Bola tarbiyasi Alisher Navoiy asarlarida yaqqol ko'zga tashlanadigan mavzu. Ulug' shoirning fikricha, mamlakatda ma'rifat, insonparvarlik va adolat hukm surishi zarur. Buning uchun shu mamlakat fuqarolari tarbiyalangan, aqlan kamolotga yetgan, yetuk inson bo'lishi lozim. Shoirning barcha asarlarida ta'lim-tarbiya masalalariga alohida ahamiyat berilgan.



Tarbiyachi talabchan, mehribon bo'lishi lozim

Navoiy buyuk pedagog va murabbiy, mudarris. U ta'limda ilmiylik talabini asos qilib oladi. O'z zamonidagi maktab-madrasalar mudarrislarining yutuq va kamchiliklarini tahlil qiladi. Murabbiy-tarbiyachilar haqida fikr yuritib, ularning shogirdlari, fanini sevilishi, talabchan va mehribon bo'lishini talab qiladi.

Alisher Navoiyning ta'rificha, ilm insonga berilgan ulug' fazilat, u hammaga berilavermaydi. Ilmni egallagan kishi uni e'zozlashi va unga johillik qilmasligi kerak.

Ilmni kim vastai joh etar, O'ziniyul xalqini gumroh etar. Demak, ilmi xor qilish xalqni gumrohlik-

ka yetaklaydi. «Hayrat ul-abror»da deydi: Olim agar joh uchun o'lsa zalil, Ilmi aning jahliga bo'lgan dalil. Olim kishi o'z jahlini tiya oladigan, har xil zalolat va nopok ishlardan xoli bo'lishi zarur. Birovga ozor berish, uning ko'nglini rang-jitish insonga xos bo'lmagan xatti-harakat. Yaxshi xulq, yaxshi odob, insoniy fazilat odamning ko'rki:

Asra o'zining birov ozoridin, Kimsaga ozurdalik izhoridin!

Abdurahmon AZIMOV, SamDU boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasi dotsenti.

Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and text.

MUASSIS: «Zarafshon» va «Samarqandskiy Vestnik» gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 470 nusxada chop etildi. Buyurtma 155. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlarida chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56. BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: D.TOXTAYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X. 9 772010 667009